Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 111 (7. 200) ◎ 1990 йил 18 май, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

⊙ СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Буш ўртасида бўладиган учрашувга тайёргарлик юзасидан 16 май куни Москвада СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер билан музокараси ҳақида ТАСС хабари эълон қилинган.

⊙ Москвада ўз ишини давом эттираётган РСФСР халқ депутатларининг Биринчи съезди ҳақида, 16 май куни бўлиб ўтган Конституцион назорат комитетининг биринчи мажлиси ҳақида, Миср Араб Республикаси Президенти Х. Мубораknинг СССРга расмий ташрифи тугаганлиги ҳақида расмий хабарлар берилган.

⊙ 1990 йил 15 майда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—2078» учирилди.

⊙ «Правда» рўзномасининг учинчи саҳифасида «Тарихчи мақолалари» рубрикаси остида Рой Медведевнинг «Яна бир бор «ГУЛАГ архипелаги» ҳақида» сарлавҳали мақоласи босилган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети студент ёшлар орасида фаннинг нуфузини ошириш, студентларнинг муваффақиятли ўқишини рағбатлантириш, республиканинг атоқли фан арбоблари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари Ўзбекистон республика ҳайъатининг айрим фанларни ўрганишда алоҳида истеъдод намоён қилган «Республика олий ўқув юртлари студентлари учун фан арбоблари номидаги стипендияларни таъсис этиш тўғрисида»ги таклифини кўриб чиқди ва қўллаб-қувватлади.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунида: математикани ўрганувчи студентлар учун — академик В. И. Романовский номидаги; физикани ўрганувчи студентлар учун — академик У. О. Орифов номидаги; химияни ўрганадиган студентлар учун — О. С. Содиқов номидаги;

Беруний номли Тошкент политехника институтида: геологияни ўрганувчи студентлар учун — академик Ҳ. М. Абдуллаев номидаги; химияни ўрганувчи студентлар учун — академик А. М. Музаффаров номидаги; энергетикани ўрганувчи студентлар учун — академик М. З. Ҳамидхонов номидаги; қурилиш индустриясини ўрганувчи студентлар учун — академик М. Ўрозбоев номидаги;

Тошкент машинасозлик институтида: машинасозликни ўрганувчи студентлар учун — академик Ҳ. А. Раҳматуллин номидаги;

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида академик М. А. Ҳожинова номидаги стипендиялар таъсис этилади.

* * *

Муҳаммад Тарағай Улуғбек туғилган куннинг 600 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида муҳокама қилинди. Буюк олимнинг юбилейи мамлакатнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлади, ўзбек халқининг илмий ва тарихий меросини тарғиб қилиш ишига хизмат қилади.

1994 йилда ўтказиладиган юбилей тантаналари муносабати билан Улуғбекнинг Самарқанддаги бутун дунёга машҳур астрономия обсерваториясини, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда Улуғбек мадрасасини таъмирлаш ва тиклаш, Тошкент марказида Улуғбекка ёдгорлик ўрнатиш режаларга киритилган. Буюк алломанинг асарлари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилади, совет ва чет эл олимларининг Улуғбек ҳақидаги китоблари турқуми нашр этилади, Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий фильм яратилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Улуғбек юбилейини ЮНЕСКО планига киритиш, СССР Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги мукофоти ва медалини таъсис этиш, юбилей тангаси чиқариш тўғрисида тавсиянома билан Иттифоқ идораларига мурожаат қилиш топширилди.

Юбилей тантаналарини ва халқаро илмий конференцияни Самарқанд, Тошкент ҳамда Москвада ўтказиш режалаштирилмоқда.

Касаба уюшмаси ҳаёти

ҚАНДАЙ ИШЛАСАК ШУНДАЙ ТУРМУШ КЕЧИРАМИЗ

⊙ Ҳа, ҳамма гап қандай ишлашда. Хўш, қандай қилиб яхши ишлашга эришиш мумкин? Хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтиб ишлаш жамоат ташкилотлари, шу жумладан касаба уюшмаси ташкилоти олдига ҳам янги, катта вазифалар қўймоқда. Улардан ўз иш усулларини янгилаш, янгича ишлаш юзасидан дадил қадамлар қўйишни талаб этмоқда. Яқинда жамоатчи мухбиримиз Тошкент тўқимачилик машинасозлик заводи касаба уюшмаси комитетининг раиси Т. Муҳидова билан суҳбатлашиб, ундан янги шароитлардаги ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

— Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, корхонада ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш шарт-шароитларини яратиш, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш ва меҳнаткашлар дам олишини уюштириш каби ўнлаб долзарб муаммолар касаба уюшмаси комитети олдида турган кундалик ҳаётий муҳим масалалардир. Бу муаммоларни ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб ҳал этиш эса осон эмас. Аммо касаба уюшманинг ташкилоти ва уларнинг жойлардаги фаоллари ўз зиммасидаги катта масъулиятни ҳис этиб ишламоқда.

Иқтисодиёт, бошқарувдаги қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш бизнинг касаба уюшма фаолиятига ҳам самарали таъсир этиб, давр тақозо этаётган янги йўлларни қидириб топиш ва тегишли қарорлар қабул қилишга маъмурият, партия ташкилоти ва меҳнат жамоаси кенгаши билан бамаслаҳат ишлашга даъват этмоқда.

Дарвоқе, касаба уюшмаси ташкилотининг ўзида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Бошқарув бўғинлари ўртасидаги алоқалар ҳам ўзгарди. Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш, бу тушунча доирасини кенгайтириш, уни ҳар бир меҳнаткашнинг онгига етказишнинг янги имкониятлари вужудга келди. Яъни, хўжалик юритишнинг янги усули ўзига хос шундай шиорни ўртага ташлади: «Қандай ишласак, шундай турмуш кечирамиз!». Бу шиор айни бир вақтда касаба уюшмаси комитетининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун олиб бораётган курашидаги иш услубларининг ўзгаришига туртки бўлди.

Ҳақиқатан ҳам илгари касаба уюшмаси комитети агар маъмурият билан меҳнат қонунчилигининг бузилишига қарши курашиб келган бўлса, эндиликда — яъни цехлар ва бригадаларда хўжалик ҳисоби жорий этилгач, касаба уюшмаси комитети тамоман бошқа вазифаларга рўбарў келди. Хўш, бу қандай вазифалар? Моддий ва хом ашё сарфларидан самарали фойдаланиш, меҳнат шарт-шароитларини яратиш, илғор технологияни жорий этиш учун қурол олиб бориш, жамоа меҳнатининг сўнгги натижаларини ошириш, фойда олишни кўпайтириш, шу билан айни бир вақтда ижтимоий ривожлантириш ва рағбатлантириш фондларини ошириш ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш манбаларидан тўла фойдаланишга имконият яратувчи барча масалаларни меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал этиш — ана шундай вазифаларга киради. Бу вазифаларни амалга ошириш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар ҳозирдаёқ ўз ижобий самараларини бермоқда.

Масалан, комитетимиз ташаббуси ва унинг бевосита иштироки билан жамоа шартномаси ва социалистик мусобақа ҳақидаги Низомнинг моҳияти ва иқтисодий мазмуни ўзгарди. Бу ҳужжатлар заводнинг ички хўжалик ҳисоби усули асосида қайтадан тикланди. Цехлардаги касаба уюшмаси ташкилотларида жамоа шартнома тадбирларининг бажарилишини доимий назорат қилиб бориш ташкил этилди. Комитет эндиликда ўзининг кўпгина ишларини тўғридан-тўғри цех ташкилотлари зиммасига юклаб қўйган.

Корхонамизда социалистик мусобақага қизиқиш жуда ортди. Бунинг сабаби мусобақа ғолибларини моддий рағбатлантиришнинг ҳам салмоқ, ҳам мазмун жиҳатдан ўсганидир.

Меҳнаткашлар манфаатлари учун курашнинг бундай усуллари ўз ижобий самараларини бермоқда. 1989 йилда ижтимоий ривожланиш фондлари 50 фоиздан зиёд, моддий рағбатлантириш фондлари 40 фоизга ўсди. Олинган маблағлар тунги сменаларда овқатланиш, моддий ёрдам кўрсатиш, бегорчилик-сабзаветчилик участкаларини кенгайтириш, янги даволаш бирлашмасини барпо этиш ва бошқа имтиёзлар учун қўшимча равишда сарфланди.

Биз меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш, яъни уларга қулай меҳнат ва маиший шарт-шароитлар яратиб бериш учун кураш меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ошишига олиб келувчи бирдан-бир омил эканига тўла ишонч ҳосил қилдик. Жамоанинг иш якунлари ва унинг фаровонлиги ҳар бир меҳнаткашнинг ўзига, уларнинг меҳнатдаги ва жамоат ҳаётидаги фаол иштирокига боғлиқ. Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси комитети ўз фаоллари сонини мунтазам кенгайтириб бориш, уларни касаба уюшмаси фаолиятига оид аниқ вазифаларни ҳал этишга кенгроқ жалб этишга ҳаракат қилди. Ҳозирги кунда касаба уюшмамиз комитети ва цех комитетларининг аъзолари, доимий ишловчи комиссияларнинг аъзолари, меҳнат кексалари ва ёшларнинг вакиллари фаолларимиз ҳайъатига бирлашишган. Тўрт юздан ортиқ киши бугунги кунда уюшмага жалб этилганлар. Улар цехлар ва бўлимларда меҳнат шароити, иш жойини ташкил этиш, маиший хоналарни жиҳозлаш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш юзасидан доимий иш олиб борадилар. Умумий овқатланиш иши устидан қатъий назоратни йўлга қўйганлар.

Албатта, ҳамма ишлар, режалар ҳам силлиқ амалга ошавермайди. Бунинг учун курашиш, шижоат кўрсатиш ва изланиш керак. Биз буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Сўзсиз, ҳали ҳам бизда шикоятлар ва меҳнат баҳслари бўлиб туради. Аммо ўтказаётган тадбиримиз бу баҳсларни анча камайтиришга имкон беради. Касаба уюшмаси туғилаётган шикоятларни ўз вақтида цехлар ёки иш жойларида зудлик билан кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади ва шикоятларнинг жанжалга айланиб кетишига йўл қўймайди.

Касаба уюшмаларида ҳам қайта қуриш тобора кўлам кашф этяпти. У янги шароитларда меҳнат кишиси ҳақида ғамхўрлик кўрсатишни ўзининг бош вазифаси деб билади.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



ЯНГИ ВАЗИФАЛАР. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-цехи партия ташкилотининг котиби М. Ҳайдаров, цех бошлиғининг ўринбосари Ҳ. Ҳошимов (чапда) ва III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори В. Матусов цех муаммолари тўғрисида фикрлашмоқдалар.

Р. Шарипов сурати.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

Иқтисодиёт таҳлили нималарни кўрсатди

⊙ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борган бу мажлисда шу йилнинг 4 ойида шаҳар бўйича халқ хўжалик режаларининг бажарилиши асосий якунлари кўриб чиқилди.

ШАҲАР саноати маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини 99,1 фоизга адо этди. Бу январь — март ойларига нисбатан салгина юксакдир. Шаҳардаги ҳар беш корхонадан бири шартнома мажбуриятларини уддалай олмади. Истеъмолчиларга 12,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Қолоқликка йўл қўйган корхоналар орасида асосан биринчи уч ойликда ортда қолган — ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика енгил саноат министрлигининг тикувчилик, ип-газлама бирлашмалари, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, лак-бўёқ заводи, заргарлик, грампластинкалар заводлари бор. Таҳлил шуни кўрсатдики, шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигининг асосий сабаби хом ашё, материаллар, комплектловчи буюмлар билан ўз вақтида таъминланмаганликдир.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда солиштирма нархларда ва ўртача бир кунлик ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми 0,8 га ошган. Бироқ 55 корхона ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юбордилар. Янги ва таъмирланган қувватлар ҳамон чидаб бўлмас даражада суст кашлик билан самара бермоқда. 1987 йилдаёқ ишга туширилган ёки таъмирланган 11 та қувват текширилганда шу нарса аён бўлдики, уларнинг қувватларидан бор-йўғи 40 фоизигина фойдаланилган, холос. Улардан ёмон фойдаланилаётганлигининг бошқа сабаблари орасида яна шу — таъминотдаги нуқсонлар мавжуддир.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича 4 ойлик режа 103,5 фоизга адо этилди. Белгиланган режага қўшимча равишда 34,9 миллион сўмлик моллар ишлаб чиқилди. Айни вақтда 22 та корхона кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаларини уддалай олмади ва 44 корхона эса уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юборди. Енгил саноат моллари бўйича режалар агар қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқариш ҳиссасининг кўпайтирилиши эвазига таъминланганлигини ҳисобга олмасак, бу рақамларнинг ўзи кам нарсани англатади. Енгил саноат молларига нарх-наволар уларнинг ўзини ишлаб чиқариш ҳажмлари кўрсаткичига нисбатан анча тез ўсиб кетмоқда. Мўлжалланган режадан 15 минг жуфт болалар пойабзали, чақалоқлар учун 7 минг комплект, 89 мингта болалар кўйлаклари, 44 мингта мактаб формалари, 70 минг жуфт болалар хром пойабзали кам ишлаб чиқарилди.

4 ойлик натижаларига кўра шу йилнинг дастлабки уч ойига нисбатан капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи бирмунча яхшиланди. Акмал Икромов, Куйбишев, Собир Раҳимов, Октябрь, Фрунзе ва Бектемир районларида қурилиш суръати шаҳардаги ўртача суръатдан паст бўлди. Шаҳардаги 146 та қурилиш ташкилотидан 79 таси ажратилган капитал маблағларнинг бор-йўғи 20 фоизидан фойдаланганлар, холос. Ишлаб чиқариш мақсадларидаги бинолар қурилишида эса бундан ҳам оз маблағ ўзлаштирилди (қурилиш-монтаж ишлари бўйича 17 фоиз маблағ ўзлаштирилди, холос).

Ижтимоий соҳалар бинолари қуриш анча тезкор суръатлар билан бормоқда. Бу борада маблағларнинг 32 фоизи, қурилиш-монтаж ишларида эса 29 фоизи ўзлаштирилди. 201,8 минг квадрат метр турар-жой давлат капитал маблағлари ҳисобига фойдаланишга топширилди. (Бу йиллик режанинг 30 фоизи демакдир). 66,3 минг квадрат метр турар-жой эса турар-жой қурилиши ширкатлари маблағлари ҳисобига қурилиб, фойдаланишга топширилди. (Бу йиллик режанинг 21 фоизи демакдир). Коммунал қурилиши бўйича 4 ойлик режа бор-йўғи 75,9 фоиз адо этилди, холос. Капитал қурилишдаги режаларнинг бажарилмаслиги сабаблари таҳлили шуни кўрсатдики, улар орасида энг жиддийси моддий-техника ресурслари билан таъминланмасликдир. Фақат Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси бўйичагина қурилиш-монтаж ишларининг салкам 40 миллион сўмликка яқин ҳажми ҳанузгача фондлар билан таъминланмаган.

4 ойлик товар оборати режаси 106,5 фоизга адо этилди. Бироқ ўсишнинг 8,8 фоизи спиртли ичимликлар сотиш эвазига таъминланган. (Ўсиш ўтган йилга нисбатан — 12,9 фоиз). Давлат озиқ-овқат бозоридаги тангликнинг ўсиши колхоз бозорида ҳам нарх-навонинг ўсишига олиб келмоқда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда у ўртача 30 фоизга ошган.

Январь — апрель ойларида шаҳар аҳолисига 156,2 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди ёки бу белгиланган режа 100,9 фоиз бажарилди демакдир. Шундай бўлса ҳам Акмал Икромов, Куйбишев, Бектемир районлари белгиланган режаларни уддалай олишмади.

Коммунал корхоналари режани бор-йўғи 96,9 фоиз бажаришди, холос. Режанинг уддасидан чиқа олмаган 19 та корхона ўртасида энг кўп қолоқликка йўл қўйганлари — шаҳар уй-жой бошқармаси, трамвай-тролейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, шаҳар архитектура-шаҳарсозлик бошқармасидир.

Умуман 4 ой ичида шаҳар пассажир транспортида ташишдан тушадиган даромад олиш режаси 104,2 фоиз адо этилди. Метрополитен белгиланган режани ошириб бажарди. (9,3 фоизга). Автобус транспорти, енгил таксилар бўйича ҳам режалар оширилди. Асосан ҳаракатдаги трамвай ва троллейбус транспорти воситаларининг йўлдан қайтиб келиши оқибатида белгиланган режа бажарилмади. Трамвайларнинг 1735 марта муддатидан олдин қайтиб келиш ҳоллари, троллейбусларники эса 1026 ҳоллари қайд этилди. Бунга яна транспорт воситаларининг йўлларда 142 марта тўхтаб қолиш ҳолларини ҳам қўшиш керак. Бу эса 89 соат мобайнида 1323 та ҳаракатдаги транспорт воситаларининг бўш туриб қолишига олиб келди. Мана, ички имконият деб аталган нарса қаерга яширинган экан.

Шаҳар турар-жой-коммунал хўжалиги умуман олганда уй-жойларни ҳамда ижтимоий, маданий-маиший биноларни бошдан-оёқ таъмирлаш режаларини бажармаётир. Суғориш тармоқларини таъмирлаш режаси бажарилмаяпти. Иккиламчи ҳом-ашё ва чиқиндиларни тайёрлаб-топшириш режаси ҳам барбод этилмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда мавжуд аҳволни ўнглашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.



«МЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН»

Шу кунларда жумҳуриятимизда атоқли ўзбек шоири ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 80 йиллиги кенг нишонланяпти. Шу қутлуғ сана муносабати билан эртага Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театри биносида шоир тўйига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтади.

⊙ [Ҳамид Олимжон ҳақидаги мақолалар билан рўзномамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз].

Иттифоқда биринчи

⊙ ТОШКЕНТ автомобиль ва йўллар институтининг кимёгарлари техника фанлари доктори, профессор Ш. Абдуллаев бошчилигида кейинги ўн йил ичида 176 хил янги турдаги полимерлар олишди. Яқинда улар Совет Иттифоқида биринчи бўлиб, чигитни экишдан олдин ишлов беришда ишлатиладиган «Полюкс» деб номланган янги модда яратишди. Бу сувда эрувчан ноёб модда, кенг миқёсда фойдаланиш учун Давлат синовига топширилди.

Т. МАДАМИНОВ.



Рўзноманинг шу сонига

Халқимизнинг содиқ фарзандига

⊙ Кеча Акмал Икромов районининг Усмон Юсупов номли маҳалласида ўзбек халқининг содиқ фарзанди, йирик партия ва давлат арбоби Усмон Юсупов бюст-ҳайкали очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Рафиқов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Қ. Ф. Фозилхўжаев, партия ва меҳнат кексаси, Усмон Юсуповнинг сафдоши, жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг ўринбосари Г. И. Скоробогатов, Усмон Юсуповнинг ўғли Ў. У. Юсупов, Усмон Юсупов номли маҳалла қўмитасининг раиси А. Одилов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи қошида ташкил этилган «Ҳуррият» фольклор ансамбли, «Дурдона» ансамбли, Андижондаги «Сумалак» ансамблининг етакчи хонандаси, область Ленин комсомоли мукофоти лауреати Замирахон Зоиржонова, 19-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқишлари кечага янада файз киритди.

Йиғилиш сўнгида «Ўзбекфильм»да яратилган 2 серияли «Усмон Юсупов» номли бадиий фильм намойиш қилинди.

М. АКРОМОВА.

* * *

⊙ СУРАТЛАРДА: Усмон Юсупов бюст-ҳайкали очилишига бағишланган йиғилишдан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.

НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС айрим тоифа ишчи ва хизматчиларга вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик юзасидан бериладиган нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Касаба уюшмасининг аъзолари бўлмаган ишчи ва хизматчиларга меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик юзасидан нафақа касаба уюшмаларининг аъзолари учун белгиланган нормаларга мувофиқ берилади, деб белгилаб қўйилди.

Уч йилгача узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган ишчи ва хизматчиларга шундай нафақа миқдори маошнинг 60 фоизигача оширилади. 21 ёшга етмаган ва 5 йилгача узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган ҳамда ота-онасиз қолган етимларга маошнинг 80 фоизи миқдорида нафақа берилади.

Қарор 1990 йил 1 июлдан кучга киритилади.

Янгилик! Хабарингиз борми?

МЎМАЙ ДАРОМАД МАНБАИ

⊙ Тўла хўжалик ҳисобига ўтиш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида саноат корхоналари ва ташкилотларидан эски усулдан янгисига ўтиб, хом ашё ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланган ҳолда юқори меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар. Бироқ, мазкур корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида чиқадиган чиқиндилардан фойдаланишни ўйлаб кўришмайди. Кўпинча бу чиқиндилар нисбий кучи ва транспорт харажатлари корхона ҳисобидан тўланиб, шаҳардан ташқарига олиб чиқиб ташланади. Ваҳоланки, бундай чиқиндиларнинг турлари хилма-хил бўлиб, улар саноат корхоналаридан тонналаб чиқмоқда.

Чиқинди хом ашё ресурсларидан фойдаланиш шу кунининг муҳим муаммоси бўлиб турибди. Бу ҳақда Ҳамза район ижроия қўмитасининг ижтимоий-иқтисодий бўлими мудири Т. Г. Ткаченко бундай дейди:

— Биз Ҳамза райони саноати корхоналари ва ташкилотларидан чиқаётган чиқинди хом ашё ресурсларидан фойдаланишни 1989—1995 ва 2000 йилларгача бўлган комплекс дастурини ишлаб чиқдик. Бизнинг районимизда 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар жойлашган, улардан чиқаётган чиқинди турлари бўйича маълумотлар йиғиб жамлашнинг ўзи бўлмади. Чунки корхона ва ташкилотлар ўзида мавжуд бўлган чиқинди миқдорини кўрсатишдан кўра, уларни тезроқ йўқотиш осонроқ, деб ҳисоблашади. Бундай ҳодисалар фақат Ҳамза райони учунгина эмас, Тошкент шаҳрининг бошқа районлари ҳамда Тошкент вилоятида жойлашган барча саноат корхоналари ва ташкилотлари учун хос бўлса керак. Бу масалада бир қанча мутасадди ташкилотларга ва ширкатларга мурожаат қилдик. Фақат Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Тошкент вилоят партия қўмитаси қошидаги илмий марказнинг етакчи мутахассислари саноат корхоналари ва ташкилотларидан ҳисоблаш йўли билан жамланган маълумотларни кўриб чиқиб, бу хом ашёларни қайта ишланса, катта наф бериши мумкинлигини айтишди. Бу борада ҳозир академияга қарашли институтлар, чизмакашлик бюролари, олий ўқув юртлари ва илмий-техника бирлашмалари иш олиб боришмоқда.

Саноат корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари шу йилдан бошлаб чиқинди хом ашё ресурсларининг ҳисобини аниқ билган ҳолда, Тошкент илмий маркази орқали илмий ташкилотлар ишлаб чиққан технологик жараёнлар рўйхатини кўриб чиқиб, улар билан хўжалик шартномалари тузиш имкониятига эга бўладилар. Тўғри, саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришда чиқадиган баъзи чиқинди турларини Финляндия ва бошқа чет эл мамлакатларига сотишлари мумкин. Ленинград шаҳридаги корхоналар Финляндия фирмалари билан ҳамкорликда чиқинди хом ашё ресурсларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш арафасида турибди.

Лекин бу муаммоларни жумҳуриятимизда ҳал қила олсак, халқимизнинг ўсиб бораётган талабларини қондирган, қолаверса шаҳардан ташқарида тоғ бўлиб уюлиб ётган чиқиндилардан халос бўлардик. Бу табиатни муҳофаза этишда, оқар сув ҳавзаларининг тозаланишига шароит яратади. Айни пайтда, чиқинди уюмлари эгаллаб ётган майдонлар ўрнини боғ-роғлар, сабзавот-полиз экинлари экиладиган жойга айлантириш имкониятига эга бўламиз.

Суҳбатдош Д. ЗОКИРОВА.





Суратли репортаж

Иш билан бандлик

УСТА КЎРАЁТГАН ШОГИРДЛАР

БУГУНГИ ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника воситаларисиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Давр эса тобора ишчилардан юқори малакали бўлишни, янги техникани қунт ва чидам билан ўрганишни тақозо этмоқда. Темирйўл соҳаси ҳам шундай. 1-ўрта махсус техника билим юртида шуни ҳисобга олиб, устозлар талабаларга ёшлигиданоқ ана шу фикрни сингдиришга, бу ерда олинган билимларни амалий ишларда синаб кўришга кўпроқ эътибор бераётганлари бежиз эмас.

Мана, билим юртининг ишлаб чиқариш таълими устаси Валерий Евгеньевич Бушуев бу ҳақда нима дейди:

— Бизнинг билим юртимиз асосан темир йўл мутахассислари — электровоз машинистлари, уларнинг ёрдамчиларини ҳамда автослесарларни тайёрлайди. Албатта, замонавий электровозлар бошқарувчидан катта билим, маҳорат ва уддабуронликни талаб қилади. Билим юртида у ҳақда назарий билим олиш бошқаю, бевосита электровозларда иш ўрганиш бошқа. Шунинг учун биз эринмасдан бу ишнинг барча икир-чикирларини талабаларга ўргатяпмиз. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, улар ҳам махсус иш кийими билан таъминланган, бу эса ўзларини ҳақиқий иш жараёнида деб ҳис этишларига, ўз зиммаларидаги масъулиятни яққолроқ сезишларига, мустақил фикр юритишларига ёрдам беради. Суратчи Ҳабибулла Шодиев шундай ўргатиш жараёнларидан бирини акс эттирди. II курс ўқувчиси Юрий Немитов зарур сабоқлар олмоқда.

Билим юртида биз юқорида айтиб ўтган назарий билимларни ўргатиш ҳам аниқ кўргазмали воситалар билан олиб борилмоқда. Бу эса сабоқларнинг улар онгига сингдирилишига ёрдам бермоқда.

Мана бу лавҳада худди ана шу жараёнлардан бири ўз ифодасини топган. Билим юртининг ўқитувчиси Василий Михайлович Тетенкин II курс талабаларига дарс ўтар экан, электровоз макети ёрдамида ишончли ва аниқ қилиб тушунтирарди. Агар диққат қилсангиз, талабаларнинг унинг сўзларини эътибор билан тинглаётганини пайқаш қийин эмас. Бу табиий бир ҳол. Радик Антонов, Николай Алеев, Жаҳонгир Ҳожиев, Марат Фарҳулинлар ўзларининг бўлажак касбларига алоҳида иштиёқ сезмоқдалар.



1-ўрта махсус техника билим юрти устаси Абдуғани Иноғомов худди ана шундай жонкуярлик билан билим ўргатаётган устозлардан. Уни машғулот пайтида учратдик. У талабаларга автослесарлик касбининг сир-асрорларини ўргатмоқда. Дилшод Содиқов билан Игорь Киселёвлар унинг сўзларини жон қулоқлари билан тингламоқдалар.

А. ҲАМИДОВ, Ҳ. Шодиев суратлари.

ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Шу йил 13 январь куни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларида 1990 йил 1 кварталида аҳолига сотиладиган бозор фонди автомашиналарнинг тақсимланиши ҳақидаги хабар эълон қилинган эди.

Эътиборингизга иккинчи кварталдаги бозор фонди автомашиналарининг тақсимоти ҳақидаги маълумотларни ҳавола қиламиз.

1990 йилнинг иккинчи кварталида аҳолига сотиш учун 1327 та енгил автомашина ажратилган, бундан ташқари 1 кварталдан қолган 22 та автомашина тақсимланади. Жами Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан 1349 та автомашина, шу жумладан 674 та «Жигули», 539 та «Москвич» ва 136 та «Запорожец» модификациясидаги машиналар тақсимланди.

Ана шу машиналар қуйидагича тақсимланди (Жадвалга қаранг).

Ижтимоий таъминот бошқармасига «Жигули» ва «Москвич» машиналари «Запорожец» автомобилининг қийматини ҳисобга олиб 1 группа уруш ногиронларига сотиш учун ажратилган.

Тошкент шаҳар агросаноат бирлашмасига автомашиналар буюртмалар бўйича мажбурият-ларни сифатли бажарган, Тошкент аҳолисига сабзавот, мева, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлари бўйича етказиб берган қишлоқ хўжалиги илғорларини рағбатлантириш учун ажратилган. «Узглавстройдревпром» автомашиналарни Тошкент учун Сибирда ёғоч тайёрловчи илғорларга сотади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармасига автомашиналар ходимларининг иш оперативлигини ошириш учун ажратилган.

Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлигига Тошкент шаҳрида жойлашган чет мамлакатларнинг бош консулхоналарининг ва ваколатхоналарининг ходимларига сотиш учун ажратилган.

Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятига автомашиналар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1990 йил 14 мартдаги фармойишига мувофиқ автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлашни яхшилаш ва бир йўла ёрдам кўрсатиш учун ажратилган.

«ТашНИИПИгенплан»га, «Главташкентстрой»га ва «Союзметрострой» бошқармасига объектларни муддатидан илгари сифатли фойдаланишга топширганликлари ва шаҳар бош планининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиққанликлари учун ажратилган.

Район ижроия комитетларига автомашиналар ишчи ва хизматчилар ҳамда ишламаётган уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган кишилар, корхона ва ташкилотлардан нафақага чиққанига 5 йилдан ошган кишилар, Қаҳрамон оналар ва бошқалар сонидан келиб чиқиб корхона ва ташкилотларга тақсимлаш учун ажратиган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БОЗОР ФОНДИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ II КВАРТАЛДА ТАҚСИМЛАНИШИ.

	ЖАМИ	МОСКВИЧ				ЖИГУЛИ ВАЗ						ЗАПОРОЖЕЦ					
		412	2141Г—07	ИЖ 21251	2104	2105	21063	2107	2109	2121	ЛУАЗ 969 М	ЗАЗ 968 М	ЗАЗ 968 МБ Р.У	ЗАЗ 968 МД Р.У	ЗАЗ 1102	
Жами автомобиллар шу жумладан:	1349	280	104	155	6	13	580	32	13	30	17	79	3	2	32	3
БАМ чекларн	61	—	20	—	4	1	1	32	—	—	—	—	—	—	—	3
Ижтимоий таъминот бошқармаси	122	21	—	25	1	—	38	—	—	—	—	—	3	2	32	
«Ташгорагропром»	50	15	3	4	—	—	18	—	—	10	—	—	—	—	—	—
Тошжкроқўм ИИБ ва шаҳар ДНД штаби	11	5	—	—	—	—	6	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти	3	1	—	—	—	—	2	—	—	—	—	—	—	—	—	—
«Узглавстройдревпром»	10	4	1	1	—	—	2	—	—	2	—	—	—	—	—	—
Урта Осиё мусулмонлари диния бошқармаси (12.04 ва 17.04.90 даги хатларга мувофиқ).	2	1	—	—	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—
ЎзССР Ташқи ишлар министрлиги	8	—	4	—	1	—	2	—	1	—	—	—	—	—	—	—
«Эфир» илм. тад. институти	2	1	—	—	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—
«ТашНИИПИгенплан»	2	—	1	—	—	—	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—
«Главташкентстрой»	5	1	1	—	—	—	2	—	—	—	—	1	—	—	—	—
«Союзмегроспецстрой»	1	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—
Районлар бўйича жами шу жумладан:	1072	231	74	125	—	12	507	—	11	17	17	78	—	—	—	—
Акмал Икромов	87	19	6	10	—	1	42	—	1	1	1	6	—	—	—	—
Киров	99	21	7	12	—	1	48	—	1	1	1	7	—	—	—	—
Куйбишев	158	34	11	19	—	2	69	—	2	3	3	15	—	—	—	—
Ленин	106	23	7	12	—	1	51	—	1	2	2	7	—	—	—	—
Октябрь	107	23	7	12	—	1	51	—	1	2	2	8	—	—	—	—
Собир Раҳимов	110	24	9	14	—	1	52	—	1	2	2	5	—	—	—	—
Сергели	57	13	4	6	—	1	26	—	1	1	1	4	—	—	—	—
Фрунзе	91	20	7	10	—	1	46	—	1	1	1	4	—	—	—	—
Ҳамза	129	27	8	15	—	2	60	—	1	2	2	12	—	—	—	—
Чилонзор	128	27	8	15	—	1	62	—	1	2	2	10	—	—	—	—



⊙ СОФИЯ. Болгария Социалистик партияси сиёсий фалажликдан қутулиб, оёққа турди, деди БСП Олий партия кенгашининг раиси Александр Лилов. Партия саросимада эмас, ўзига бўлган ишончни йўқотмади, у ўз аъзоларини сақлаб қолди ва халқнинг ишончини тикламоқда, деб таъкидлади у. А. Лилов БСП-дан Буюк халқ мажлисига депутатликка номзодларнинг икки кунлик кенгашида сўзлаган эди.

Жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига кўра, Болгария Социалистик партияси сайловга бир ой қолганида мамлакатда оммавийлик жиҳатидан қарвонбошилик қилмоқда.

⊙ БОНН. Германия Федератив Республикасининг икки федерал ўлкасида — Шимолий Рейн-Вестфалияда ва Қуйи Саксонияда ўлка парламентлари — лантагларга сайлов Германия Социал-Демократик партиясининг жуда катта ғалабаси билан ва Христиан-Демократик Иттифоқининг мағлубияти билан тугади. Дастлабки норасмий маълумотларга қараганда, Германия Социал-Демократик партияси Шимолий Рейн-Вестфалияда мутлақ кўпчилик овозни — сайловчиларнинг 50,6 фоизга яқин овозини олган ва яна ўлка ҳукуматини тузиш ҳуқуқини қўлга киритган. Христиан-Демократик Иттифоқ учун сайловчиларнинг 36,1 фоизи, Эркин Демократик партия учун 5,6 фоизи, «Кўкатпарварлар» партияси учун 5,2 фоизи овоз берган.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Огайо, Кентукки ва Индиана штатларида 500 мингдан кўпроқ телефон эгаларига хизмат қиладиган «Цинциннати белл телефон» корпорациясининг уч минг нафардан ортиқ хизматчиси иш ташлаганини эълон қилди.

Касаба уюшмаларининг янги меҳнат битими тузиш тўғрисида компания раҳбарияти билан музокаралари бошн берк кўчага кириб қолганидан сўнг ишга чиқмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди.

⊙ ВАШИНГТОН. Америкадаги «Трансафрика» жамоат ташкилотининг раҳбари Рэндалл Робинсон Америка Қўшма Штатлари томонидан Анголадаги ҳукуматга қарши Унита гуруҳига яширин ёрдам берилиши даҳшатли тўхтатилсин, деб даъват қилди. У ЮПИ ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Ж. Савимби бошчилигидаги қуролланган оппозициячи кучларни инсон ҳуқуқларини бузишда ва юз минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган Анголадаги граждалар урушини чўзиб юборишда айблади.

АҚШ мазкур мамлакат ниҳоятда қашшоқлашганлиги ва хонавайрон бўлганлиги учун кўп жиҳатдан жавобгар бўлиши керак, деди Робинсон. Бироқ, Америкаининг Анголага нисбатан снёсати «кишини афсуслантиради. Унинг айтишича, Анголада урушни тўхтатиш учун курашаётган жамоат ташкилотларининг ҳисоб-китобларига қарганда, Америкаининг ҳукуматга қарши гуруҳга яширин йўл билан бераётган ҳарбий ёрдами ҳар йили 80 миллион долларга етмоқда.

Америка ҳукуматининг УНИТАга расман қанча миқдорда молиявий маблағ бераётганлиги қатъиян сир тутилмоқда. (ТАСС).

Давр ва адиб

ОДАМИЙЛИКНИНГ «ҚИЗИЛ КИТОБ»И



«ҚИЗИЛ китоб». Бу муқаддас китоб табиатни сақлаш ва муҳофаза қилишни ўз олдига мақсад этиб қўйган байналмилал уюшма томонидан таъсис этилган. Чунки табиат бунёд этган барча гўзалликлар: ер, сув, ҳаво ҳимоя истайди. Ям-яшил ўрмонлар, ҳайвонот, қушлар, денгиз мавжудотлари, тоғлар, боғлар нажотга муҳтож.

Дилда хайриҳоҳ савол туғилади: «Бу ажойиб китоб қандай қилиб юзага келибди, унинг ижодкори ким?». Улар жонкуяр, фидокор, имонли ва виждонли кишилар. Улар учун дунёнинг сув босиб кетиши, ўт олиши, жонзотларнинг йўқ бўлиши барибир эмас, атроф-муҳит тинч, осойишта, соғлом бўлсин. Лоқайдлик, бефарқлик, шафқатсизликнинг душманлари улар. Демак, зарурият, замон тақозоси билан ташкил этилган бу «Қизил китоб»!

Китобнинг асл мақсади, йўқолиб кетаётган ноёбликни қайд этиш, кейин уни тиклаш, мавжудларини сақлаш, кўпайтириш, ҳисоб-китоб қилиб, қанча қолгани, биологияси ҳақида маълумотлар йиғиш.

«Қизил китоб»нинг мазмун ва мундарижасида биз яшаб турган дунё ноёбликлари ётади. Бу ҳақиқат.

Аммо одамларчи? Улардаги камайиб, йўқолиб бораётган, ҳимояга муҳтож ноёбликларчи? Уни қаерга ёзайлик? Бунақа китоб ҳозирча йўқ, балки бўлмас ҳам.

Табиат, атроф-муҳит муҳофазасидан ташқари ижтимоий-маънавий муҳитни авайлаб сақлаш, асраш хусусида бир мулоҳаза этиб кўрайликчи. Маънавий дунё, ғоявий муҳит. Инсонлардаги юрак, қалб мулки, ақл-идрок, ишонч. Энг ноёб туйғулар: садоқат, самимият, одоб, ахлоқ, ҳамият, меҳр-шафқат-чи?

Муҳаббатчи, дўстликчи? Ахир булар табиат, атроф-муҳитнинг тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар-ку!

Ушбу мавзуда баён этган фикрларимга далил сифатида ҳаётимда кузатган, ўз кўзим билан кўрган, билганларим хусусида тўхталмоқчиман. Мазкур воқеалар «Қизил китоб»га ёзилиш ҳолатини туғдираётган ахлоқ-одоб билан боғлиқ насрий чизгиларимдир.

Сизга таништирмоқчи бўлган кишиларнинг исми-шарифини ошкоралик даври бўлса ҳам бошқачароқ қилиб олдим. Ўзлари билиб олар деб...

Абдужамол ака деган бир қадрдоним бўларди. Ўзи ажиб шоир табиат, кўп китоб мутолаа қилган одам. Илгари у билан биз бир маҳаллада яшаганмиз, кейин бошқа жойга уй қуриб кўчиб кетган. Шундай бўлса ҳам алоқамизни узмай борди-келди қилиб турамиз, ўзиям жуда шинаванда, меҳмондўст одам, агар уйига кириб борсангиз гўё юрагидан қуёш чиқиб кетгандай қувонади, сизни қайга ўтказишни билмай қолади. Агар мен ўзбекнинг анъанавий меҳмондўстлиги шу кишида мужассам десам, янглиш бўлмас. Абдужамол ака ўзи пазанда одам, агар палов қиладиган бўлса борми, юргизиб юборади, булар лоф эмас. Тошкентда бунақа ош қиладиган одам топилмас, десам муболаға бўлмас. Хамир овқатларни айтмайсизми, турмуш ўртоқлари ҳам ўзларидан қолишмайди, агар лағмон ёки шилпилдоқ қилинадиган бўлса, хамир қилишни ана ўшалардан ўрганинг!

Уйларидан қази-қарта аримайди, айниқса шилпилдоқ қилганда қази, тўш, отнинг ичи дейсизми, ҳаммаси муҳайё. Лаганда алоҳида пиширилган янги сўйилган қўй гўшти ҳам бўлади. Ана энди сопол лаганда юпқа қилиб маромига етказилган хамир тез-тез, оз-оздан келиб туради-ю, сиз узум сиркасида ўлдирилган пиёз билан ҳалиги масаллиқларни солиб еяверасиз. Мана ҳақиқий тошкентликнинг шилпилдоғи, ана шунақа.

Гап овқатда эмас, балки дўстларга муносабатда, агар овқатни дилдан чиқариб қилсанг, ҳақиқий мазали таом ана шунда бўлади. Шу муносабат билан бир воқеа ёдимга тушиб кетди. Бу ҳақда ёзишимдан мақсадим, шилпилдоқ билан боғлиқ бошқа нарсалар ҳақида сизга сўзлаб бермоқчиман.

Бир куни ишда ўтирган эдим, Абдужамол аканинг ўғли келиб қолди, «нима дейсизу, адам шилпилдоқ қилдираяптилар, борар экансиз», деб, Шунда мен бир ўзим бормай деб, олий лавозимда ишлайдиган Ғиёсиддин исмли ошнамни «юр, шилпилдоқ еб келамиз», деб судраб қолдим. У ҳам менга ўхшаб хамир овқатга ўч, шилпилдоқни жудаям хуш кўрарди. Қорин оғриғидан шикоят қилиб юрса ҳам, лекин шилпилдоқ бор жойда қориндан гап очмасди.

Ўша куни ҳам шилпилдоқ бутун қонун-қоидаси билан тайёрланган эди. Тойнинг қазисию, янги сўйилган қўй гўшти, яна ўша мен айтган масаллиқлар...

Ғиёсиддин ҳам бир ёзилиб олди, чунки Абдужамол ака қадимий шоирларимизнинг ҳаёти, одамийликка чорловчи мисраларини ўқиб берди, кўп ибратли, мулоҳазали сўз гавҳарларини чизиб ташлади. Ҳа, шилпилдоқ баҳонаю, ширин ҳангома. Суҳбат овқатдан ҳам мазали туюлди бизга.

Бу учрашувни келтиришдан мақсадим, биринчидан, одамлар ўртасидаги ҳақиқий инсоний дўстлик, самимий ўртоқлик ҳақида бўлса, иккиламчи, дилдан меҳмон кутиш анъанаси ҳақидаги фикрлар... Отам менга айтардилар: «Қариндошинг ўлса ҳам, қадрдонинг ўлмасин», деб. Яна дердилар: «Дўстинг яқинми, ёки аканг». Кейин ўзлари: «Агар аканг сенга дўст бўлса», деб қўярдилар. Бунинг маъносини кейинчалик катта ҳаёт мактабини ўтаб, ёмон, яхшини, тушуниб етганимдан сўнг яна ҳам яхшироқ англадим. Ғиёсиддин билан биз кўп йиллар бирга дўстлашиб, қадрдонлашиб қолган эдик. Албатта, у билан ёшликдан бир маҳаллада ўсиб, бир синфда ўқимаганмиз. Зеро жумҳуриятимизда турли вазифаларда бирга ишлаб характеримиз, сўзимиз бир-бирмизга тўғри келиб, яқиндан дўстлашиб қолгандик. Аммо қарангки, замонанинг зайли билан раҳбарлар ўзгарди-ю, пастдаги лавозим эгалари ҳам секин-аста ишдан кетаверди. Шу лавозим қонуни билан мен ҳам янгиларга ёқмадим-у, пастроқ лавозимга ўтириб қолдим. Ғиёсиддин бўлса, янги раҳбарларга яқин экан, яна ўз ўрнида қолаверди. кейинчалик каттароқ амалга минди.

«МЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН»



ТУҒМА ВА НОДИР ИСТЕЪДОД

⊙Қаҳрамонга ўлим ёт бўлгани каби шоир учун ҳам ўлим йўқ дейиш мумкин. Унинг жони сўзларида, қўшиқларида яшайди. Тарихнинг жонли сўзларида, қўшиқларида яшайди. Тарихнинг жонли тўқимасига кириб, наслдан-наслга кўчади. Бу жуда оз кишиларга муяссар бўлади. Ҳамид Олимжон шундай шоирлардан эди.

ОЙБЕК.

⊙ У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам излаш, изланишлардан тинмас эди. У сўз санъатининг мангу қуримас чашмаси — халқ оғзаки шеъриятидан баҳра, куч-қувват ола билар эди. Лекин у классик адабиётни, ўтмишнинг улуғ шоирларини шу даража чуқур билар эдики, беихтиёр уни классик адабиётнинг улкан тадқиқотчиси ва классик шеъриятнинг чинакам давомчиси деб ўйлаб қолади киши.

Н. ТИХОНОВ.

⊙ Ҳамид Олимжоннинг ўзи ҳам, сўзи ҳам ўзбек совет адабиётига ғоят мароқли ва порлоқ бир саҳифа бўлиб кирган эди. Новатор шоир, билимдон адабиётшунос, романтик ҳақиқатпарвар, жангчи-нотиқ, қадим эртакларнинг бахшиси ва янги куйларнинг бошчиси, жануб кечаларининг ҳассос фарзанди ва жанговар кунларнинг дадил солдати бўлган Ҳамид улкан санъаткор, улкан инсон ва улкан фуқаро эди.

ШАЙХЗОДА.

⊙ ...Ҳамид Олимжон туғма ва нодир истеъдод эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён, пешонасида ва йирик кўзларида улуғлик очиқ-ойдин эди. Унинг билмагани оз, ўқимагани кам эди, Ҳаммадан, ҳар нарсадан хабардор, қисқароқ айтганда, чин маъноси билан ўқимишли қаламкаш эди.

МИРТЕМИР.

⊙ Асаларилар гулзорга кириб бол эмганидай, биз Ҳамид Олимжон гулзорининг боларилари эдик. У бизга ширинни аччиқдан, асални заҳардан ажратиш санъатини ўргатди. Ёмонликка, ғоявий қусурга қаҳри қаттиқ устоз бизга шеъриятдан қандай дарс берган бўлса, маданиятдан, сиёсатдан, ҳаётдан ҳам шундай дарс берди.

Ҳ. ҒУЛОМ.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тил ва адабиёт институтининг мажлислар залида атоқли ўзбек совет ёзувчиси ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан олимлардан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Иззат Султонов, Салоҳиддин Мамажонов, филология фанлари докторлари Ҳафиз Абдусаматов, Нинель Владимирова ва бошқалар Ҳамид Олимжон ҳаёти, ижоди ва ўзбек совет адабиётининг тараққиётида унинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Ботир РУСТАМОВ.

ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг 80 йиллик тўйига бағишланган илмий, адабий-бадиий анжуман ўтказилди. Анжуманда Киров районидаги 274-ўрта мактабнинг ўқувчилари синф раҳбари, ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Мавлуда Зоирхон қизи бошчилигида тайёрланган адабий-бадиий композиция билан иштирок этдилар.

Ушбу тадбирда шоирнинг қизи, филология фанлари номзоди, ТошДУ доценти Ҳулкар Олимжонова отаси ҳақидаги хотираларни, шунингдек, Беруний номидаги жумҳурият Давлат мукофоти совриндори Н. Каримов, Давлат адабиёт музейи раҳбари Б. Валиевлар бахт ва шодлик куйчисининг ўлмас ижоди ҳақида йиғилганларга ҳикоя қилиб беришди ва гуллар қўйишди.

Равшан МУҲАМЕДОВ.

ШОИР ҚАЛБИ

ҲАМИД Олимжон публицистик мақолаларида, драмасида, шеърларида «халқим», «элим» деган сўзни кўп ишлатарди, ўзбекнинг насл-насаби, фазилатлари ҳақида бот-бот тўхталарди. Бу — табиий ҳол: халқини дил-дилидан севмаган, унинг бой тарихию қаҳрамон фарзандлари билан ғурурланмаган одам зинҳор санъаткор бўла олмайди.

Ҳамид Олимжон ҳозир биз билан бирга яшаши, рўй бераётган оламшумул ўзгаришларга ўз муносабатини билдириши мумкин эди: саксон ёш инсон учун унча кўп эмас, қолаверса, шоирнинг қанчадан-қанча қаламкаш дўстлари ҳануз фаолият кўрсатишяпти. Афсуски, қирқ олти йилдан буён Ҳамид Олимжон халқи билан ҳамдард, ҳамнафас эмас: Муқаннанинг ўтли сўзлари билан айтганда, у элининг юрагида, эрк деганларнинг тилагида яшаяпти.

Ҳамид Олимжон ижро этаётган замон куйи, давр қўшиғи авж пардада узилди. Оташнафас шоирнинг ўлими барчани ларзага солди. Ўша пайтдаги мафкуравий сиёсат янги ижтимоий тузумни берилиб куйлаган, янгича дунёқараш, яшаш тарзининг намунаси бўлган сиймо санъаткорларни кенг тарғиб қилишни тақозо қиларди. Ҳамза, Маяковский, Горькийлар шуҳрати, санъаткорлиги ўлимидан сўнг тавсифу таъриф қилина бошлади. Ҳамид Олимжоннинг иккинчи умри — бадиий адабиёт, санъат, танқидчиликдаги ҳаёти ҳам шундай давом этди. Гўё электрон-ҳисоблаш машинасига «Бахт ва шодлик куйчиси» деган махсус дастур жойландию, у бир хил мазмунни турли алфозда юзага чиқара бошлади. Рангтасвир, монументал санъат намояндалари ижодида Ҳамид Олимжон образи бахт ва шодлик тимсоли сифатида аниқ кўринди. Шу мавзуни маромига етказишда ўзга санъат вакиллари ҳам ортда қолмадилар. Бадиий адабиётда ҳам бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон образи яратила бошланди. Зулфия шеърларида, баъзи хотираларидагина биз жонли Ҳамид Олимжон образини яратдик.

Адабиётшунослик ва танқидчиликда Ҳамид Олимжон ҳақида кўплаб тақриз, мақола, бадиа, хотира, рисола, тадқиқотлар яратилди. Ҳар бир муҳим мақола, тадқиқот, бадиада муаллифнинг услуби сезилиб, оҳорли қиёсу, ҳужжатлар учраса-да, Ҳамид Олимжон ҳақидаги маълум хулосага келинди: бахт ва шодликнинг куйланиши, куйчиси ҳақида фикр айтилди.

Қайта қуриш, ошкоралик, демократия даврининг самараси иқтисодиётда, сиёсатда аниқ кўринаётган бўлса-да, маънавиятда ва руҳий ҳаётда ёрқин сезилмоқда. Бу давр халққа Горький, Маяковский, Н. Островский, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Фадеев, Сурков сингариларнинг тирик, жонли тимсолини, безовта, ҳаловатсиз қалбини, зиддиятларга тўла ўйларини қайтариб берди. Қайта қуриш шарофати билан бадиий адабиёт деган дарё тўлиб, ҳайқириб, ҳаётдагидай сал-пал лойқаланиб оқа бошлади: Чўлпону Булгаков, Қодирий ва Гумилёв, Б. Пастернак ва Фитрат, А. Ахматова, М. Цветаева, У. Носир, А. Солженицин, А. Авлоний сингарилар бу наҳрга файз, ҳаёт, руҳ киритдилар. Бадиий адабиёт дарёсининг сал-пал лойқаланиб оқаётганини бежиз айтмадик: номи ноҳақ унутилиб кетган ҳақиқий санъаткорларга чунонам ром бўлмоқдамизки, ижоди мафкуравий давлат андозасида ифодаланган баъзи ижодкорларни гоҳо менсимай қўйяпмиз, қизиққонлик устида айрим ёзувчиларни инкор этиб юборяпмиз. Истеъдодли ёзувчи яратган асар борки, у замон руҳига мос келадими ёки йўқми — барибир халқнинг маънавий бойлиги, қадрияти ҳисобланади. Уни биз бугун четлаб ўтганимиз ёҳуд инкор этганимиз билан эртанги авлод унга ўз муносабатини билдиради, баҳолаш мезонида ўлчайди.

Қайта қуриш, ошкоралик даври Ҳамид Олимжон ижодини баҳолаш учун бир пайтлар яратилган мезон — андозани инкор этади. Шоир ижодини кенг миқёсда, умуминсоний мезонларда ўлчаш, баҳолаш пайти келди. Катта ўлчамлар юксаклигидан боққанда Олимжон мероси кўримсиздай туюляпти. Лекин бу сохта, илк тасаввурдир. Бу ижодкор меросини холис баҳолашга «Гулаг архипелаги» (А. Солженицин), «Ҳаммаси ўтади» (В. Гроссман), «Кераксиз анжомлар факультети» (Ю. Домбровский), «Ғусса ўрими» (Р. Конкверст) сингари ҳақиқий асарлар таъсир этяптилар. Мазкур асарлар кўзимизни мошдай очди, босиб ўтган йўлимизнинг асл ҳақиқатини кўрсатди. «Ўта махфий» деган ёзуви онгимизга муҳрланиб қолган ҳужжатгоҳлардаги пўлат сандиқлар «сири» ошкор бўляпти. Ҳар бир янги, оҳорли ҳужжат, ҳақиқат онгимизга, руҳимизга таъсир этяпти. Ҳамид Олимжон сингари ижодкорлар меросини ўрганиш, холис баҳолашда ўзига хос йўл тутмоқ жоиз. Шоирнинг 80 йиллиги муносабати билан босилаётган баъзи мақолаларда шеърлар чокига яширинган сталинизм сиёсатига зид ғоялар берилиб ахтарилмоқда, «тун», «қора кўланка» сингари образларга диққат жалб қилинмоқда. Бу йўл ҳам эҳтимол тўғридир. Лекин бизнингча, Ҳамид Олимжон ҳаётини, ижодини бир бутунликда ўрганиш, ундаги зиддиятлар моҳиятини холис ёритиш жоиз. Ҳамид Олимжон ҳаётида асримиз бошларида туғилган барча кишиларнинг дардаламлари: тил ва дилнинг мураккаб алоқалари акс этган. Шоир ижодий меросида қаҳр отига қамчи босиб ёзилган мақолалар, рўй бераётган воқеаларни кенг миқёсда ўйлаб, идрок этмасдан ёзилган шеърлар анчагина бор. Бу асарларда сталинизм сиёсатининг муҳри аниқ сезилади. Ҳамид Олимжон ижодида булоқ сувидек тиниқ лирик шеърлар, инсон руҳияти ишонарли ёритилган асарлар ҳам мавжуд. Ҳамид Олимжон ҳаётининг драмаси шундаки, у эски ҳаёт тарзи, маънавий, руҳий қадриятлар аёвсиз оёқ ости қилинаётган бир даврда асарлар ёза бошлади, характери шакл, мазмун касб эта борди. Инқилобий руҳ, янгиликларнинг ҳаётий, адолатли эканлиги ёш шоир характерига синга борди. Горький, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат, Қодирий сингари ёзувчиларда ўтмиш ва революцион ҳаётни қиёслаш учун ҳаётий тажриба бор эди. Донишманд Горькийнинг «Бемавруд фикрлар»и ўтмиш ва революцион воқеликни қиёслаш туфайли туғилди. Абдулла Қодирийнинг «Масков хатлари», «Йиғинди гаплар»ида ҳам ҳаётий тажриба, нозик кузатиш, қиёс сезилиб туради. Инқилобий ҳаётнинг оташқалб ёшлари, комсомоллари қатори Ҳамид Олимжон ҳар бир янгиликни қувонч билан қаршилади, ўтмишни фош қилди. Бу ёшларда на ҳаётий тажриба, на ўтмиш ва бугунги кунни холис қиёслаш учун илмий манба етарли эмас эди.

Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодида кўзга яққол ташланиб турадиган бир зиддият бор. Шоир 35 йиллик ҳаётида роса қийинчиликларга дуч келди, азоб, қийноқларни бошидан кечирди. Оғзидан она сути кетмай ота меҳридан жудо бўлиши, Жиззах чўлига қувғин қилиниши етмаганидай, совет даврида ҳам боши маломат тошидан аримади: уни педтехникумдан ҳайдашди, ЎЗАПП раҳбарлари қаҳрига дуч келди, 1937 йилда халқ душманларининг думи сифатида ёзувчилар уюшмасидан чиқарилди. Энди кўкрагига шамол тегадиган пайтда Улуғ Ватан уруши бошланди...

Ҳамид Олимжон ижодида фақат миннатдорлик туйғусига тўлиқ лирик қаҳрамонни учратамиз. Ажабланарлиси шундаки, шоирнинг лирик қаҳрамони ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни жўшиб, ҳайқириб маъқуллайди. Шоир шеъриятининг бу хусусиятини аниқлаб берадиган бир далил бор: 30-йилларда Сталин шахсига сиғиниш дадил, ишонч билан гапиришда, ҳайқириб қалбини изҳор қилишда сезиларди. Ўйчан, мушоҳадакор лирикага шубҳа, ишончсизлик билан қараларди. Ўша йиллар шеъриятида риторикага монанд услуб ҳам кашф этилган эди. Ҳамид Олимжон ижодининг моҳиятини англашда шоир руҳиятига болаликдан сингдирилган халқ достонлари таъсирини унутмаслик жоиз. Халқ оғзаки ижодида орзу-хаёл, реалликни афсонавий ҳаёт билан омухта кўриш хусусияти мавжуд. Ҳамид Олимжоннинг севимли қаҳрамонлари Ойгул ва Бахтиёр афсонавий Чамбил мамлакатини яратадилар. Бунёднинг мушкулликлари афсонавий Семурғ ёрдамида амалга ошади.

Ҳамид Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши даври ижоди, ундаги халқлар дўстлиги мавзуси ҳамон қизиқиш билан ўрганилади.

Ҳамид Олимжон — ўз даврининг кишиси, истеъдодли ижодкор эди. Унинг ижодини чуқур таҳлил этганимиз сари босиб ўтган йўлимизнинг мураккабликлари, драмалари намоён бўлаверади. Ҳамид Олимжон ижоди маънавий қадриятимизнинг атрофлича ўрганилишини тақозо этадиган улушидир.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари номзоди, ТошДУ доценти.



⊙ МОСКВА. «Радуница» биолокацион экология-ўлкашунослик гуруҳи бундан қарийб 30 йил муқаддам ташкил этилганди. Бу биолокация воситалари билан одамларга ёрдам беришни ўзининг асосий мақсади деб билган маслакдошларнинг уюшмасидир.

Биолокация самараси ёки бошқача қилиб айтганда тол новдаси билан сув излаш азалдан маълум. Ингичка тол новдасидан фойдаланиб одамлар қадимдан сув қидиришган.

СУРАТДА: «Радуница» уюшмасининг раҳбари Игорь Юрьевич Прокофьев (чапда) ва Сергей Александрович Бахрах биолокация усули билан Новодевичье ибодатхонасидан олиб чиқувчи ер ости йўли чегараларини аниқлашмоқда.



⊙ ЕРЕВАН. Арманистоннинг Гугарск районидаги зилзиладан шикастланган Шаумян қишлоғида янги — Олтой кўчаси пайдо бўлди. Йигирма етти оила чодирлар ва чайлалардан бир қаватли ғиштин, ёғоч уйларга кўчиб ўтди, бу уйлар маҳаллий иқлим ва ер силкиниши шароитларини ҳисобга олиб лойиҳалаштирилган, «Росагропромстрой»нинг «Олтой» қишлоқ кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари йил охиригача бу қишлоқда яна бир неча уйжойларни фойдаланишга топширмоқчилар. Шу билан бир вақтда қўшни Дарпас қишлоғида ҳам ишлаб чиқариш иншоотлари бунёд этилмоқда.

⊙ ЯРОСЛАВЛЬ. Бу ерда нитратларсиз мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлайдиган уюшма ташкил этилди. Экологик жиҳатдан тоза маҳсулот етказиб бериш унинг вазифасидир. Бу деҳқончилик уюшмаси шаҳар чеккасидаги «Новоселки» совхози, бир қанча саноат корхоналари, бошқа ташкилотларнинг маблағлари ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ўзида жамлаган. Хўжалик ҳисоби асосида иш олиб бораётган пайчилар хўжаликда 12 гектарли иссиқхоналар қуришга киришдилар. Ана шу иссиқхоналарнинг дастлабки навбати ишга туширилиши биланоқ йилига бир ярим минг тоннагача турли сабзавотлар етиштириш мумкин. Уюшма ўз ёрдамчи хўжаликлари бўлмаган кичик корхоналарнинг коллективларига йил давомида экологик жиҳатдан тоза полиз маҳсулотлари олиш учун янги имкониятлар очади.



⊙ УКРАИНА ССР. Днепропетровск областидаги Оржоникидзе кон бойитиш комбинатида сопол буюмлар цехи ишлаб турибди. Комбинат марганец рудасини очиқ усулда қазиб олувчи мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан биридир. Унинг саккиз карьери ҳар йили 500 миллион тонна ана шу қимматбаҳо хом ашёни етказиб беради. Илгари асосий маҳсулотнинг чиқиндилари бўлмиш лой, қум, турли шламлар каби материаллар корхона иқтисодиётига ҳам, регион экологиясига ҳам зарар етказиб уюлиб ётарди. Эндиликда улар чиройли буюмларга айланиб, хонадонларга қувонч бағишламоқда.

СУРАТДА: сопол буюмларни сирловчи Светлана Онишченко.

А. Красножон ва О. Власов (ТАСС) суратлари.

— Ассалому алайкум, янги лавозимлар муборак бўлсин, — дейман унга телефонда.

— Мен ўзим телефон қиламан, — трубка қўйилди.

Мажлис қилаётган бўлса керак, деб ўйладим. Ўша куни сим қоқмади. Иши кўпайиб кетган ёки бўлмаса бирор жойга чақиришган бўлса керак, деб ўзимга-ўзим тасалли бердим. Чунки илгарилари агар шунақа вазият бўлса мен ҳам, Ғиёсиддин ҳам, ишимизни тугатиш билан бир-биримизга қўнғироқ қилиб, учрашиш йўлларини ахтарардик. Шундай бўлса ҳам менинг юрагим безовта бўлиб, эртаси ишга келдиму, унга телефон қилдим. Гапим оғзимда қолди.

— Мажлис бўлаяпти, одамлар кўп, — деди.

Бу сафар «ўзим телефон қиламан» демади. Мен хаёлга чўмдим, нима бўлди, шайтон ҳар томонларга бошлаб кетди. Ростдан ҳам мажлисми ё гаплашгиси келмаяптими?

Агар яна телефон қилганимда, шундай жавоб қилса очиқ гапираман, ахир дўст ачитиб гапиради-ку, деб кўнглимдан ўтказдим. Шу фикр билан овқатдан қайтдиму, қўнғироқ қилдим.

— Мажлисингиз тамом бўлдими, биз билан гаплашишга вақт топасизми? — дедим кесатиброқ.

— Нима ишингиз бор эди, жуда зарурми? — деди.

— Зарур эмас, — дедим.

— Мен ўзим ишхонангизга ўтаман, — деди.

Шу, шу, дўстим келмади, телефон ҳам қилмади, менинг ҳам иззатнафсимга тегиб, кейин қўнғироқ қилмай қўя қолдим. Мана энди пенсияга чиқиб, ижодий иш билан машғулман. Лекин ундан дарак йўқ, мендан хафалигини ҳам билмайман...

Менинг тўқсондан ошган онам бор, ҳали ҳам ҳаётлар, соғлиқлари яхши. Баъзан менга: «Ўғлим, оёқларим қақшаб оғрийди, нега шундай», деб сўраб қоладилар. Нима ҳам дердим, юпатаман, дори олиб келиб бераман, дўхтирга кўрсатаман. Менимча Ғиёсиддиннинг менга нисбатан қилган иши, менинг ёшим ўтиб қолганлиги, амалимнинг йўқлигидан бўлса керак, нима ҳам дердик, замон, ҳаёт катта мактаб, дўхтир, ҳамма касалликларни ўзи тўғрилайди. Баъзан амал дўстларини кўриб, ўзимга-ўзим ўйлайман, қани энди ҳаётда бир тажриба қилиб кўрилса, сенга яна қайтиб катта лавозим берсаю, ўша одамларнинг қай куйга рақсга тушишини томоша қилсанг, ўшанда бир ҳаётий ҳангоманинг гувоҳи бўлардинг.

Дўстлик ҳақида яна бир воқеани сўзлай, азизлар:

Менинг қадрдон дўстим Нажим ака Марказий Комитет йўлланмаси билан Москвага, Ижтимоий фанлар академиясига ўқишга юборилди. Ахир, Москвада ўқишнинг ўзи бўладими, оиласи, болалар ҳали оёққа турмаган. Биз унинг дўстлари Москвага борсак, албатта унинг ҳузурига кирмасдан кетмасдик. Бир куни мен бориб қолсам, тожикистонлик Хушқадам деган йигит ўтирган экан, танишиб қолдим, улар академияда бирга ўқишар экан, ажойиб хуштабиат йигит, рус тилини тожик шевасида чиройли гапиради.

— Ўртоқ Нажим ака, сизнинг дўстларингизга жуда ҳавас қиламан, менга айтингчи, уларнинг қайси бири сизга жуда яқин?

Биз бир-биримизга қараймиз, кейин уни дастурхонга таклиф этамиз. Шунда Хушқадамнинг ўзи кулимсираб:

— Майли, сиз айтманг, менинг ўзим жавоб бераман: дўстларингизнинг қайси бири яқинлигини билмай қўя қолай...

Мана сизга икки дўстлик, икки хил муносабат, қани энди айтингчи, мана шу дўстликнинг қайсинисини «Қизил китоб»га ёзайлик, сақлайлик, яна ҳам камол топтирайлик. Киши бошига бир ташвиш тушганда, оғир шароитларда қўлтиғингдан кўтариб қўядиган дўст бўлса, қадрдонинг бўлса, ўша йўқ акангнинг, отангнинг ўрнини босади. Инсон ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, бир оғиз мададга, ширин сўзга, ўртоқлик маслаҳатига муҳтож бўлиб қоласан, ана шундай дақиқаларда яхши, содиқ дўст жонингга оро киради, дардингни олади...

Бир оғиз аёллик ҳақида, қизларимиз иффати тўғрисида фикр юритмоқчиман.

Тожи хола деган боғ қўшнимиз бўларди. Ўта меҳнаткаш, меҳрибон аёл эди. Эртаю кеч тиним билмай ишлар, ҳали қарасанг овқат пиширган, кир ювган, сигирга қараган, бу аёл қачон дам оларкин деб ўйлардим. Тожи холанинг Қумри, Қутби деган бир-биридан лобар, меҳнаткаш қизлари ҳам она измидан чиқмай, ўқишни ҳам, ишни ҳам қойиллатарди. Икковлон гўё ишни бўлишиб олгандик, бири тандир қиздириб нон ёпса, иккинчиси сув иситиб кир ювишга тушиб кетарди. Қумри опа азонлаб сигир соғиб бир пасда бозорга ҳам олиб бориб пуллаб келарди. Кейин қарасангиз, бутун оила ҳовлидаги катта тахта каравот-сўрида ўтириб хушчақчақлик билан нонушта қилишарди.

Биз шундай аҳил қўшни эдикки, ҳатто ўртамизда девор ҳам йўқ, ҳовлимизни фақат битта кичик ариқ ажратиб турарди.

Энг муҳими, демоқчи бўлганим, Қумри опанинг ҳам, Қутбининг ҳам сочлари нақ тақимига урарди, гоҳо битта қилиб, баъзан эса майда қилиб ўриб юришар, ҳавасим келарди ана шу қора зулфларга. Йигитларнинг юрагига ўт соладиган, шоирлар ғазалларида куйланган, қўшиққа солинган қора зулфлар қайда? Энди бундай узун сочларни жуда камданкам учратасиз. Қизларимиз сочларини калта қилиб кестириб оладилар-да, кейин уни минг хил оҳангга соладилар. Ёшларимизнинг баъзиларига қараб ҳайрон бўласиз, ҳали турмушга чиқмасдан, ҳадеб сартарошларга кириб кестириб, бўятаверганларидан сочлари камайиб, тепаси очилиб қолади, ахир соч қизларнинг ҳуснига-ҳусн қўшадиган гўзалликнинг биринчи белгисику!

Бир дўстим яқинда менга:

— Дорилфунун олдида бир қизни кўриб қолдим, сочи тақимига тушади, шундай ўзига ярашибдики, қани энди ўшани келин қилсам... — деб қолди.

— Эй ошна, дарров ўқиш жойини билиб олмадингми? — дедим бироз ҳазиллашиб.

— Топиш жуда осон. Узун сочли қизлар дорилфунунда йўқ ҳисоб...

Тўғри, дейман ўзимга-ўзим. Бундай зулфлар фақат саҳнадагина қолди, раққосаларга қараб ўтираверасиз узун сочни кўраяпман деб...

Узун, қора зулфларни «Қизил китоб»га ёзишга тўғри келяпти...

Бозорга авжи пишиқчиликда боринг. Узум, қовун, тарвуз, олма, нок, олхўри... Кўриб кўзинг қувонади. «Қизил китоб»ни варақлаб кўринг, нималар йўқ? Узум навлари: соҳиби, чарос, каттақўрғон, даройи, оқ кишмиш, буваки, хўжахройи... Қовун, тарвуз бозорига кирсангиз, улар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди, кўриб қувонасиз. Аммо сифати ёмон, кимё ичига кириб олган, бир хил навли қовунлар... Босволди, чўгир каби қовунлар йўқ деса бўлади, кўкча, бўрикалла, шакарпалак, ҳақиқий қизилуруғ... Йўқ, чироқ билан қидирсангиз ҳам топа олмайсиз. Тарвузларчи, аслида шифобахш, сўйсангиз қип-қизил анордек, тирсиллаб, қумо-қумо бўлиб турадиган шифобахш тарвузлар қани?! Ўғит, ҳа кимёвий моддаларни еявериб шишиб кетган. Сўйсангиз қировга ўхшаш оппоқ нарса кўриниб туради. Қани, шифобахш тарвузлар?! Табиблар жигар, буйрак касалларига тарвуз ейишни тавсия этарди, энди унақа тарвузни қаердан топасиз? «Қизил китоб»га ёзиб ҳам бўлмайди, чунки «бемаза қовуннинг уруғи кўп» деганларидек, йўқолиш ўрнига кўпайиб кетган, мавжуд, фақат ўша даврлардаги деҳқонлар эккан тарвуз, қовунлар эмас, есангиз баъзан касалга чалинасиз.

Бундай ҳолат баъзи одамлардаги инсоф, диёнатнинг йўқлиги туфайлидир, ҳа, ҳамма бало шунда, агар соғлом ахлоқий муҳит мавжуд бўлганда, одамлар табиатнинг бу ажойиб ноз-неъматларига гард юқтирмай, авлодларга соғлом ҳолда қолдирган бўларди, биз бу ерда осору-атиқалар, маданий ёдгорликлар ёки йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонлар, қушлар ҳақида эмас, биз юқорида таҳлил этган маънавий-ахлоқий муҳит ҳақида сўз юритмоқдамиз. Кўриб турибсизки, ширин-шакар қовунлар, узумлар ва бошқа мевалар ҳам ҳаёт тақозоси билан йилдан йилга сифати бузилиб бораётган, энг яхши навлари йўқолиб кетаётган экан, бунинг асли моҳияти жамиятимиздаги носоғлом ижтимоий муҳит, кишилар дунёқарашидаги саёзлик, виждон, имоннинг камайиб бораётганлигидир.

Юқорида баён этилган турли мавзуларга оид чизгиларимнинг асил маъноси шундаки, биз «Қизил китоб»га ёзиладиган нарсаларни камайтириш учун инсонийликка кўпроқ эътибор қилмоқ зарурга ўхшайди. Балки «Оқ китоб» ташкил этиш керакдир. Нечунким табиат, атроф-муҳит, жонзотлар дунёсини авайлаб-асраш юқорида айтилгандек жамият фуқароларининг хулқ-атворига боғлиқдир. Инсоний фазилатлар соғлом бўлса, имон-инсоф, виждон пок бўлса, шундагина олам осойишта, одамлар тинч, жамият покиза сақланади. «Қизил китоб»га ёзиладиган нарсалар ҳам камаяди.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

2000 йилда ер юзида қанча одам яшайди?

2000 йилда сайёрамиз аҳолиси 6 миллиард 292 миллион кишини ташкил этади. Америка «Попьюлейшн референс бюро» тадқиқот ташкилотининг маълумотномасида шу ҳақда гапирилади.

Ҳужжат муаллифларининг ҳисоб-китобларига қараганда, жаҳоннинг саноати ривожланган давлатларида ушбу аср охирига бориб 1 миллиард 274 миллион киши яшайди. Ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси эса 5 миллиард 18 миллион кишини ташкил этади. Хитой жаҳонда энг кўп аҳоли яшайдиган мамлакат бўлиб қолади. Бу мамлакатда 2001 йилда 1 миллиард 280 миллион аҳоли истиқомат қилади. Ҳиндистонда 1 миллиард 42 миллион киши бўлади. Совет Иттифоқи аҳолиси сони жиҳатидан учинчи ўринни эгаллайди. Унинг аҳолиси 312 миллион кишига етади. Америка Қўшма Штатларида 298 миллион киши яшайди.

Ҳозирги вақтда энг кўп умр кўрадиганлар Японияда — 79 ёш, энг кам умр кўрадиганлар Кот д'Ивуар ва Эфиопияда — 41 ёш— эканлиги қайд этилди. Европа давлатлари орасида исландияликлар ҳаммадан кўп —78 йил, СССРдагилар ҳаммадан кам — 69 йил умр кечирадилар. Америка Қўшма Штатларида ўртача умр 75 йилни ташкил этади.



⊙ Ҳамза кўчасида «Гулистон» ресторанининг янги савдо растаси ишга тушди. У ўзига хослиги билан фарқ қилади.



Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Янги раста хизматингизда

— Пиво ва газли сув сотадиган уйчалар жойлашган ташландиқ, қаровсиз ер ўрнида овқатланиш шохобчасини қуришни мўлжаллаб янг-лишмаган эканмиз, — дейди ресторан директори Рихситилла Убайдуллаев. — Ҳар куни кундалик рўзғор ташвиши билан ёнимиздаги «Октябрь» бозорига минглаб кишилар келишади. Улар бир зум йўл чарчоғини ёзиб, енгил дам олиш истагида кўпроқ растамизда бўлишни афзал кўришмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Растада тандирда ёпилган иссиқ нон, сомса билан биргаликда музқаймоқ ва чанқовбосди ичимликларнинг ҳам савдоси йўлга қўйилган. Яна бу ердан доимо иссиқ чой ҳам топиш мумкин.

Янги растани тиклашда «Интерстрой» қурилиш ширкати бинокорлари жонбозлик кўрсатдилар. 165 минг сўмлик маблағни ўзлаштиришга олти ой кифоя қилди.

Ҳозир бу ерда таомлар сифатини ошириш, турларини кўпайтиришга эътибор кучайтирилмоқда. Наманган-нинг пармуда сомсаси раста орқали ҳамшаҳарларимизга етиб боради. Ўзбек халқининг унутилиб бораётган бу таносиқ таомини тошкентликларга тайёрлаб бериш учун



«Сардоба» қаҳвахонасидан сомсапаз Назрулла Халилов таклиф этилди. У икки ой раста сомсапазларига пармуда тайёрлаш сирларини ўргатади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: янги савдо растасида.

Х. Мирзакаримов суратлари.

«РУС ҚАДАМА НАҚШЛАРИ» ОҲАНГЛАРИ

Шўх ва қувноқ, ҳазиломуз ва қайғули, лирик ва ватанпарварлик мавзуларидаги, оғир ва ўйноқи қўшиқ — инсоннинг доимий ҳамроҳидир. Тошкентда ташкил қилинган «Рус қадама нақшлари» театр-студиясининг асосий «қаҳрамони» ҳам қўшиқ бўлди. Театр-студия «Союзтеатр» Бутуниттифоқ ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон республика бўлими ҳузурида очилди. Театр студиясининг дебюти бўлди. 195-мактаб педагоглари ва ўқувчилари дастлабки томошабинлар бўлишди.

Премьера учун ёш артистлар рус халқ қўшиқларидан, шунингдек Улуғ Ватан уруши даври совет қўшиқларидан тузилган программани танлашди. Кинофильмлар ва телекўрсатувлар орқали яхши таниш бўлган машҳур куйлар билан бирга даврли унутилиб кетган қадимий қўшиқлар ҳам ижро этилди. Программадан хореография миниатюралари ҳам ўрин олди.

— Коллективимизнинг асосий мақсади — рус халқ қўшиқлари ва рус халқ маданиятини тиклаш ҳамда тарғиб қилиш. Шунингдек, совет классик қўшиқларини оммалаштиришдир, — дейди театр-студиянинг бадиий раҳбари, Гнесинлар номли мактабнинг Горький-даги бўлими битирувчиси Виктор Епифанов ЎзТАГ мухбиригa. — Бизнинг ижодимиз асосан ёшларга аталган, чунки айни шулар олдида маънавият, умумий маданиятни ошириш муаммолари айниқса ўткир бўлиб турибди.

Театр-студияда халқ куйлари, классика, замонавий ва диний музика намуналаридан иборат бир нечта вокал-чолғу блокларини яратиш режалаштирилган. Ижро мундарижасининг бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр. Кўп асрлик анъанага эга бўлган шунчаки халқ оҳанглари ёки диний куйлардан фарқ қилиб, артистлар ўз программаларига балет, видеоряд, чолғу асбоблари жўрлиги элементларини киритяптилар. Турли жанрларнинг ана шундай уйғунлашуви коллективни «Рус қадама нақшлари» деб аташ учун асос бўлди.

Театр-студия состави байналмилалдир. Бу ерда руслар, украинлар, яҳудийлар, ўзбеклар бор — чинакам санъатни тор миллий доираларга сиғдириб бўлмайди.

Ёш коллективнинг ўз қийинчиликлари бор — ўзининг биноси йўқлиги туфайли у ҳозирча хореография билим юрти биносида «асранди бўлиб» юрибди, анжомлар, костюмлар сотиб олиш учун маблағ етишмаяпти. Шунга қарамай, унинг дастлабки концертлари хайрия чиқишлари бўлди.

ҲАЛИМАНИНГ ИРОДАСИ

«Туркменфильм» киностудиясида «Ҳалима» деб аталган янги асарни суратга ола бошладилар. Унда замонамиз қаҳрамони — Чоржўй область партия комитетининг собиқ ходимаси Ҳалима Рўзибоева ҳақида ҳикоя қилинади. У маҳаллий уюшган жиноятчилар билан тенгсиз олишувда фожиали ҳалок бўлган эди.

Сценарийда ҳуқуқшунос, партия ходимининг қисқа, лекин ёрқин ҳаёти саҳифалари ҳужжатлар асосида аниқ акс этган. Кино экрани яқин ўтмишда рўй берган воқеаларга қайтишга ёрдам берди. Фильмдаги энг қизғин воқеаларнинг бирини суратга тушириш учун — қаҳрамоннинг савдо соҳасидаги фирибгарлар билан кутилмаганда бўлган тўқнашувини суратга олиш учун махсус декорациялар яратишнинг ҳожати бўлмади. Ашхобод шаҳрининг чекка-ларидан бирида ана шу фильм суратга туширилмоқда. Бу ерда баланд-баланд пахса деворли ҳовлилар истаганча топилади. Ана шу деворлар ортида газандалар уясини бўлиб, савдо-сотиқ соҳасидаги фирибгарлар моллар етишмаслигидан оқилона фойдаланадилар, улар кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маъмурий идораларнинг ходимларини ўз таъсирларига оладилар. Бироқ душманлари билан юзма-юз учрашган Ҳалима бир қадам ҳам чекинмайди.

— Мен ана шу қаҳрамон аёлнинг тақдирига бағишланиб, матбуотда босилган мақолаларни ўз вақтида ҳаяжонланиб ўқиган эдим, — дейди Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, бош роль ижрочиси Т. Шокирова. — Фильмда суратга тушиш ҳақида таклиф қилишганида ҳам хурсанд бўлдим, ҳам ташвишга тушиб қолдим. Ҳалима шунчаки, биз экранларда кўриб ўрганиб қолган қаҳрамон эмас, у оддий, фидойи инсон. Дўстлари, ана шу довюрак аёл билан биргаликда машаққатли кураш олиб борган барча кишилар унинг хотирасини ҳурмат билан авайлаб сақлаб келишмоқда. Экранда Ҳалиманинг жонли тимсолини яратиш — менинг вазифам.

Л. ЛОПАТИНА, ТАСС мухбири.

Ашхобод.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

26 май соат 11.00 да

1-лекция залида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

ҚУН ТАРТИБИДА:

— Ректорнинг кириш сўзи.

— Институт кекса устозлари, ректор ўринбосарлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, бўлим бошлиқлари, институт битирувчиларининг чиқишлари;

Ўқув бинолари ва тажриба хоналарига, кафедралар, ҳисоблаш марказига саёҳат, ўқув аълочилари қутлови, институт ҳаваскорлари концерти;

ҳужжат топширувчилар учун тушунтирувчи ва кириш имтиҳонлари юзасидан саволларга жавоб бериш ташкил қилинади.

Манзилгоҳимиз: 700063, Тошкент—63, Олмазор кўчаси, 183-уй, 6-бино, 207-хона, телефон 45-37-06.

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик электр марказининг келаси иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан тўхтатилиши туфайли

21 майдан 25 майгача

Аэропорт биноларида, Б. Хмельницкий, Полевой, Локомотивная, Полторацкий, Глинка, Ш. Руставели, Фарҳод, Муқимий кўчалари бўйлаб, Ш. Руставели кўчасидан Бўржар ариғигача, Пролетар, Стародубцев, А. Каҳҳор, Горбунов, Педагогика, Гоголь, Хоразм, Совет, 1-Май, А. Толстой, Шевченко, Стахановчилар, Куйбишев, К. Маркс, Соломатин, Ивановолик тўқувчилар, Грузовая кўчалари бўйлаб, Марказ-1, Марказ-2 даҳаларида

ИССИҚ СУВ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

33-32-32 телефони орқали қўшимча маълумот олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИГА:

Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган безатувчи рассом, ўзбек тилини биладиган машинисткалар ва кинокартиналарни монтаж қилувчилар (хотин-қизлар), **киномеханиклар, ёритувчилар.**

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА:

фаррошлар.

ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

йигирувчилар, тўқувчилар, зарядловчилар, ўровчилар, ленталаш-ростлаш, ўраш ва айлантириш машиналарининг операторлари; эшиш ускуналарининг операторлари, сифат назоратчилари, йигириш ва тўқиш ишлаб чиқариши омилкор усталарининг ёрдамчилари, электрчилар, тузатувчиланггарлар.

ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДАГИ ТОШКЕНТ ЖУМҲУРИЯТ РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИГА:

руҳий касалликлар шифокорлари, тиббий ҳамширалар, санитарлар, ўрта маълумотли фармацевтлар, ошпазлар, иқтисодчилар, ҳисобчилар.

З-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ 3-ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙСОЗЛИК ЗАВОДИГА:

фрезерчилар, токарлар, газ-электр пайвандчилар, металл кесиш ускуналарини тузатувчи чилангар, тузатувчи-чилангарлар, асбобсозлар, сантехниклар, электрмонтёрлар, рандаловчилар, қолипловчилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «МЕБЕЛЬБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

буғ-кучланиш ҳўжалигининг бошлиғи, безатувчи-рассом, таржимон, техника хавфсизлиги бўйича муҳандислар, технологлар, жарроҳлар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕТАЛЛГА ИШЛОВ БЕРИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тунукасозлар, штампаловчилар, юк ташувчилар.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги район ишга жойлаштириш бўлимларига мурожат қилинсин:

ҲАМЗА РАЙОНИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Ш. Руставели кўчаси, 21-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

Олий ўқув юртларига киришни истайдиган мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар диққатига!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

қуйидаги фанлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жамиятшунослик, математика.

Машғулотларни қабул имтиҳонларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган дорилфунуннинг етакчи ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар давомида ёзма ва оғзаки имтиҳонларни топшириш бўйича амалий маслаҳатлар ҳам олиш мумкин.

Юқорида қайд этилган фанлар бўйича машғулотлар МАДАНИЯТ САРОЙИ БИНОСИда якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 да жадвал тартиби бўйича ўтказилади.

1-НАВБАТ — 1990 йил 1 июндан 15 июнгача;

2-НАВБАТ — 1990 йил 16 июндан 30 июнгача.

Машғулотларда қатнашиш учун абонементларни ТошДУ МАДАНИЯТ САРОЙИнинг 26 хонасида соат 11.00 дан 18.00 гача ҳар куни сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун 46-39-55 рақамли телефонга мурожаат этилсин.

Транспорт: 28, 34, 87, 100-автобуслар: 8, 4, 20-троллейбуслар; 9, 12, 21-маршрут таксиларнинг «В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни» бекати.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

2-ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга: ҳамширалик иши (тиббиёт ҳамшираси) — ўқиш муддати 1 йилу 10 ой, фельдшер (даволаш иши) — ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.

Кечки бўлимга: умумий профилдаги тиббиёт ҳамшираси.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА — 1 июндан бошлаб 31 июлгача, кечки бўлимга 18 майдан 15 сентябргача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ КУНДУЗГИ БЎЛИМГА— 15 июлдан 22 августгача, КЕЧКИ БЎЛИМГА — 1 июндан 22 сентябргача ўтади.

Биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма)дан кириш имтиҳони топширилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мактабни олтин ва кумуш медаллар билан битирган ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари фанларидан мақтов ёрлиғи бўлган абитуриентлар билан суҳбат ўтказилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат (асл нусхаси), медицина справкаси (086/у форма), 4 дона сурат (3х4 см), меҳнат дафтарчасидан (ишловчилар учун) кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий билет (ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун) **шахсан кўрсатилади.**

Қўнимгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Озод кўчаси, Культиваторний проезди, 16-уй (11, 28, 31, 64, 95, 47-автобуслар, 8, 4, 20-троллейбуслар, 7, 15, 16-трамвайларнинг «Марказ—26 квартали» бекати). Телефон: 44-32-25.

ТОШКЕНТ ЖУМҲУРИЯТ ОТЧОПАРИДА

20 МАЙДАН 14 ОКТЯБРГАЧА

ҳар якшанба соат 11 дан бошлаб



ПОЙГА ВА ЧАВАНДОЗЛИК

КУН ДАСТУРИДА:

Гуруҳий ютуқлар, анъанавий ва шахсий номи ёзилган мукофотлар; Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР от заводлари, совхозлари ва колхозларининг энг учқур отлари;

ОТ СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) **ЎЙНАЛАДИ.**

Отчопарда йил бўйи салт юриш учун отлар ижарага берилади (душанбадан ташқари).

Отчопар корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан салт юриш учун отларни ижарага бериш шартномаларини тузади.

Отчопар қошида «Пойга» (Бега) ресторани ишлайди.

Отчопар манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси (153, 172, 173, 180, 448-автобуслар; 17-трамвайнинг «Отчопар» бекати.

Телефонлар: 76-76-26, 76-75-47.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

(Тошкент Давлат дорилфунунининг Маданият саройи биносида)

19 май соат 19.30 да

Маҳмуд ДЎСМАТОВ композицияси

ҚУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

(драма актёрлари куйлайди)

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Ёдгор САЪДИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Эркин КОМИЛОВ, Ҳожиакбар НУРМАТОВ.

Артистлар Муножат ТЕШАБОЕВА, Шавкат ТОЛИПОВ ва бошқалар.

Билетлар «ЁШ ГВАРДИЯ» драма театри кассасида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилади.

Жавоб берувчи телефонлар: 44-56-52, 44-11-70.

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

(Киров кўчаси, 24-уй)

22 май соат 19.15 да

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Маҳмуджон АЗИМОВ

ВА

ССР ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ, ШОИР

Муҳаммад ЮСУФ

билан

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ-КОНЦЕРТ

ЎТКАЗИЛАДИ

56-49-92 телефони орқали қўшимча маълумот олиш мумкин.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси,

Табиатни муҳофаза қилиш комитети ва

Тошкент шаҳар жамияти

20 МАЙ СОАТ 11 ДАН БОШЛАБ

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ШАҲАР ТАБИАТ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗАДИ

ПРОГРАММАДА: «Камалакнинг ҳамма ранглари» — табиат кўргазмаси. Унда сиз сайроқи ва манзарали қушларни, акварium балиқларини, наслдор ит ва мушукларни, гербарийлар, сўзловчи тўтиқушлар, кабутарлар, баҳорги гуллар, табиий материаллардан қилинган нарсалар, деворий газеталарни конкурсга тақдим қилишингиз ва кўришингиз мумкин.

Байрамда сайроқи ва манзарали қушларнинг халқаро конкурслар совриндорлари—З. С. Отабекова, В. П. Петров, республика ва шаҳар конкурслари совриндорлари Ш. Шарофутдинов, В. Янушкевич, ҳаваскор гулчилар, манзарали боғдорчилик совхози, Ботаника боғи, «Тошкент гуллари» фирмаси, ёш натуралистлар станцияси, Тошкент ҳайвонот боғи ва шаҳар мактаблари ўқувчилари иштирок этадилар.

Аттракционлар шаҳарчаси, қайиқлар, эртаклар шаҳарчаси, «Серпантин», компьютер ўйинлари зали, кафе, чойхона Сизнинг хизматингизда бўлади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг

ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

«БЎҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» ғаройиб томошаси.

Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш ташкил қилинган.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20 гача ишлайди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/V да **Оққуш кўли,** 19/V да **Пиковая дама** (18.00), 20/V да **Чиполлино** (12.00), **Концерт** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 18/V да **Гул ва Наврўз,** 19/V да **Табассум оқшоми,** 20/V да **Табассум оқшоми.**

КИНО

18 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21).

Нукус — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 16, 20.41).

К. Ерматов номли — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТАЗЯИҚ ОСТИДА» (17, 19, 21).

19, 20 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 16, 20.45).

М. Шайхзода номли — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида 11, 14, 17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТАЗЯИҚ ОСТИДА» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Восток — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА», «ҚОЧИШ» (10.30, 13.30, 16.30, 19.30).

Фестиваль — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (20.40).

Бутуниттифоқ стандартлаштириш, маҳсулот сифати ва метрология соҳасидаги раҳбар ва муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш институтининг

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

метрология кафедраси мудири ва катта ўқитувчиси бўш лавозимларига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 26 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700 059, Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 9 «в» уй.

Телефонлар: 53-85-55, 53-83-58.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

19 май ва 9 июнда

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Техникум кабинетлари ва аудиториялари билан танишиш, техникумга қабул қилиш шартлари тўғрисида маълумот олиш истаги бўлганлар таклиф қилинади.

Техникумда ўқувчиларнинг техника ижодиёти кўргазмаси ишлаб турибди.

Масканимиз: Тошкент шаҳри, 6-алоқа бўлими, И. Охунбобоев кўчаси, 12-уй (2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спорти саройи» бекати). 33-13-75, 33-78-59 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

«ВТОРЧЕРМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

иқтисод бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодлар олий махсус маълумотга ва раҳбарлик лавозимларида камида 5 йиллик амалий иш стажига эга бўлишлари лозим.

Аризалар — 22 майгача қабул қилинади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 154-алоқа бўлими, Сергели саноат минтақаси, кадрлар бўлими.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

26 май соат 10 дан 13.00 гача

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари томонидан

ҚУЙИДАГИ АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА

почта, электр-алоқа ва «СОЮЗПЕЧАТЬ» хизматларининг кўрсатилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

93 — Юнусобод даҳаси, 4-мавзе, 47-уй;

95 — Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ, 86-ётоқхона;

5 — Манжара кўчаси, 2-уй;

43 — Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 4 «а» уй.

Октябрь ноҳияси озиқ-овқат савдоси ташкилоти маъмурияти 30-дўкон мудири Д. Даминовага онаси

Мавжуда АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунунининг биология факультети жамоаси Тубан ўсимликлар ва микробиология кафедрасининг доценти, биология фанлари номзоди М. Л. Мансуровага онаси

Розия РАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 04258.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.